

**ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ**  
**№-П-153**

Урганч шаҳри

2022 йил «17» ноябрь

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор С.Матёкубов бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи МУБОРАК ДИАНА СЕРВИС хусусий корхонаси номидан иш юритувчи директор М.Акимова иккинчи томондан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сон қарорига асосан «Гурлан тумани Бирлашган МФЙ Х.Олимжон кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш» объектига лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш шартномасини туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

**2. Ишларни бажариш муддати**

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 7 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги қўчаларни ишчи ЛСХ ҳужжатларини (топологик сёмка, курилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**3. Шартнома баҳоси.**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «12» ноябрдаги № 55419 сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда 11 500 000 (ун бир миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

**4. Тўлов шартлари.**

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

**5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

**Лойихачининг мажбуриятлари:**

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекти ЛСХ ҳужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНҚ талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

**Буюртмачининг мажбурияти:**

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

**6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсада мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб

чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

#### 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### 8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### 9. Қўшимча шартлар

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

#### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

#### 11. Бахсларни ҳал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзора муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

#### 12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошiq муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошiq муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

#### 13. Томонларнинг реквизитлари:

##### Буюртмачи:

“Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК  
Урганч ш. Хива шох кўчаси 1 км  
Телефон: 224-57-13, 224-57-16  
ш/хр 301821860334017045204118061  
СТИР 207254393, ИФУТ 70100  
Молия вазирлиги фазначилиги  
Фазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010  
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ  
МФО 00014 СТИР-201 122 919

Директор

С.Матёкубов

Буюртмачи юристи:

Х.Кушчанов

##### Лойихачи:

“МУБОРАК ДИАНА СЕРВИС” хусусий корхонаси

Адрес: Урганч шаҳар 3 2

Тел.: +998973607117

ИНН: 300028557

ОКЭД: 66000

Р/С: 20208000904551130001

Банк: УРГАНЧ Ш., АТ ХАЛК БАНКИ ХОРАЗМ

ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

МФО: 00808

Директор:

М.Акимова

2022 йил «17» ноябрдаги  
№-Л-153 сонли шартномага 1-илова

“Гурлан тумани Бирлашган МФЙ Ҳ.Олимжон кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш”

бўйича лойиҳа ишларини бажариш

### ГРАФИГИ

| № | Объект номи ва манзили                                                                         | Ишлар тури          | Ишлар қиймати жами, минг сум | шу жумладан 2022 йил |         | қурилиш давомида |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|------------------------------|----------------------|---------|------------------|
|   |                                                                                                |                     |                              | ноябрь               | декабрь |                  |
| 1 | 2                                                                                              | 3                   | 4                            | 5                    | 6       | 7                |
| 1 | <u>“Гурлан тумани Бирлашган МФЙ Ҳ.Олимжон кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш”</u> | Лойиҳа-смета ишлари | 11 500,000                   | 11 500,000           | -       | -                |
|   | ЖАМИ:                                                                                          |                     | 11 500,000                   | 11 500,000           | -       | -                |

Буюртмачи



Лойиҳачи



Буюртмачи - “Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” Давлат унитар корхонаси билан Лойиҳачи - “МУБОРАК ДИАНА СЕРВИС” хусусий корхонаси директори М.Акимова ўртасида “Гурлан тумани Бирлашган МФЙ Ҳ.Олимжон кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш” объектига лойиҳа-смета ҳужатларини ишлаб чиқишга доир шартнома лойиҳаси юзасидан корхона ҳуқуқшуноси Х.Кушчанов томонидан Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси талабларидан келиб чиқиб

### ХУЛОСА

Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган. Шартнома лойиҳасининг шартлари, хусусан шартнома мавзуси, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари ва жавобгарликдан озод этиш масалалари қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Корхона юристи  
2022 йил

Х.Кушчанов

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ВА КЕЛИШИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Урганч шаҳри

2022 йил «17» ноябрь

«Буюртмачи» «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор С.Матёқубов ва «Лойихачи» - "МУБОРАК ДИАНА СЕРВИС" хусусий корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор М.Акимова, "Гурлан тумани Бирлашган МФЙ Ҳ.Олимжон кўчалари ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш" объекти бўйича лойиха-смета хужатларини ишлаб чиқиш қийматини келишиш тўғрисида ушбу далолатномани туздилар:

### *1. ЛСХни ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ва келишиш:*

Объектнинг ҚМИ баҳоси ҚҚС билан - 700 000,0 минг.сўм;

Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-илоvasи 5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси - 4,19%;

камайтириш қиймати (келишилган) - 0,6;

низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан қиймати (купайтириш) - 1,0;

Хисобланган қиймат =  $700\,000,0 \times 4,19\% \times 0,6 \times 1,0 = 17\,598,000$  минг.сўм;

*Келишилган қиймат барча солиқлар билан - 11 500,000 (ўн бир миллион беш юз минг) сўм.*

Ушбу қиймат шартнома тузиш ва ҳисоб китоб қилиш учун аниқланди ва келишилди.

Лойихачи:


М.Ў.



Буюртмачи:

М.Ў.





МАНЗИЛЛИЙ РҮЙХАТИ

МАНЗИЛЛИЙ РҮЙХАТИ

(жорий нархларда, минг сум)

[illegible]

[illegible]



[illegible]

[illegible]





[illegible]





## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 25 » октябрь

№ПК–408

### **2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республика ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида:

**1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар** ташкил этилиб, улар томонидан **9 370 та** маҳаллада аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи энг долзарб масалалар ўрганилганлиги ва ҳудудлар кесимида **2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари** (кейинги ўринларда – Дастурлар) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини тизимли ва режали амалга ошириш** мақсадида:

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг **йиғма параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш юзасидан **Республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага мувофиқ;

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурларини амалга ошириш юзасидан **ҳудудий ишчи гуруҳлар** (кейинги ўринларда – Ҳудудий ишчи гуруҳлар) раҳбарлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳига (А.Ж.Раматов) Дастурларнинг йиғма параметрларига, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатларини** тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларида муҳокама қилиб, тасдиқласин.

**4. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар** этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича – **Автомобиль йўллари қўмитаси** тизимидаги буюртмачи ташкилотлар;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича – **“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”** унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича – тегишинча **“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ** ва **“Ўзбектелеком” АК**;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш ва тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги **“Ягона буюртмачи хизмати”** инжиниринг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича – **тегишли тармоқ корхоналари** белгилансин.

**5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ** ва бошқа буюртмачи ташкилотлар **2022 йил 15 ноябрга қадар** Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг **лойиҳа-смета ҳужжатларини** ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастурлар доирасида:

**қурилиш-таъмирлаш ишлари** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла” жамғармалари орқали молиялаштирилади**. Бунда, маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар сифатида ажратилади;

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар **ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмайди** ва ушбу маблағлар 2023 йилда Дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш учун мақсадли йўналтирилади;

ажратилган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланган ишлар ҳажмини молиялаштиришга етишмаган тақдирда, **қўшимча харажатлар** тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри **маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари** ҳисобидан молиялаштирилади;

молиялаштириш учун қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатлари **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари** томонидан тасдиқланади.

7. Дастурларни амалга ошириш доирасида:

**бош лойиҳачи** ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

**бош пудратчи** ташкилотлар белгиланган тартибда **“Шаффоф қурилиш”** миллий ахборот тизими орқали ҳамда **объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари** учун жалб этиладиган ташкилотлар белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларга, истисно тариқасида, қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **30 фоиз** миқдорида **олдиндан тўлов (аванс)** амалга оширишга рухсат берилсин.

8. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги Дастурлар доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш ва амалга ошириш мақсадида:

**2022 йил 15 ноябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла” жамғармаларига жами 1,7 триллион сўм** миқдорида маблағларни ўтказиб берсин;

келгусида, эҳтиёжга қараб, ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун қўшимча **1 триллион сўм** миқдорида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

**9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли назорат қилиш ҳамда кредитор қарздорликлар юзага келишига йўқ қўймаслик юзасидан шахсий жавобгарлик** юклансин.

**10. Белгилансинки:**

туман (шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари **ҳар ойда** халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳисобот** бериб боради;

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари** Дастурлар ижро этилиши ҳолатининг мунтазам муҳокама қилинишини ва масъул раҳбарларнинг тегишли ҳисоботлари эшитиб борилишини таъминлайди;

Дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича **давлат қабул комиссиялари** таркибига **маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари** киритилади ва бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади.

**11. Ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда** маҳаллалар кесимида алоҳида **режа-жадвалларни** тасдиқлаб:

**ҳар ҳафта** жойларга чиққан ҳолда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар **ўз вақтида** ва **самарали** ташкил қилинишини назоратга олсин, шунингдек, долзарб муаммолар ҳал этилаётганлиги юзасидан **аҳолига батафсил тушунтириш ва ташвиқот** ишларини ташкил этсин;

маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини, бу борада аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тизимли ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича **Республика ишчи гуруҳига таклифлар** киритиб борсин.

## 12. Республика ишчи гуруҳи (А.Ж.Раматов):

**Дастурлар ижросини ва Ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб** борсин, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект)нинг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш, кечикаётган лойиҳа (объект)ларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқланадиган муаммоли масалаларни тизимли ҳал этиш чораларини кўрсин;

**ҳар ойда** Дастурлар ижросини танқидий муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига **ахборот** киритиб борсин.

**13.** Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар устидан қуйидаги **назорат тизими** йўлга қўйилсин:

**Қурилиш соҳасида** назорат инспекцияси, **Йўл-қурилиш ишлари сифатини** назорат қилиш инспекцияси, **Ичимлик сувдан фойдаланишни** назорат қилиш инспекцияси қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан **давлат архитектура-қурилиш назоратини** амалга оширади;

**Давлат молиявий назорати инспекцияси** Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли **давлат молиявий назоратини** амалга оширади;

**Бош прокуратура** жойларда Дастурларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли **ижро этилиши**, шу жумладан объектларнинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари** ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқирилиши, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича **маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши**, қурилиш-таъмирлаш ишлари **сифатли бажарилиши**, **харид қилиш тартиб-таомиллари** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши устидан **тизимли назорат** ўрнатади;

**маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари** Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан **жамоатчилик назоратини** ўрнатишга жалб қилинади.

**Бош прокуратура икки ҳафта муддатда** мазкур қарор доирасида ҳамда ташаббусли бюджетлаштириш асосида молиялаштириладиган лойиҳалар (объектлар)ни **амалга ошириш жараёнлари** самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада **давлат ва жамоатчилик назорати** механизмларини такомиллаштириш, **очиқлик ва шаффофликни** таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**14.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва ислоҳотларнинг натижаларини кенг ёритиб бориш бўйича мақолалар, мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қилсин.

**15.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилиш, унинг натижадорлигини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А.Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар ой якуни** бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг  
ЙИҒМА ПАРАМЕТРЛАРИ

| Т/р | Хўудлар                      | Маҳалла-лар сони<br>(бирлик) | Жами тадбирлар |          | шу жумладан, йўналишлар кесимида |          |                     |          |                     |          |               |          |                       |          | 2022 йил учун молия-лаштириш ҳажми |                                |          |                  |          |             |          |             |          |
|-----|------------------------------|------------------------------|----------------|----------|----------------------------------|----------|---------------------|----------|---------------------|----------|---------------|----------|-----------------------|----------|------------------------------------|--------------------------------|----------|------------------|----------|-------------|----------|-------------|----------|
|     |                              |                              | объект сони    | қий-мати | ички йўллар таъминоти            |          | оқова сув таъминоти |          | энергияси таъминоти |          | газ таъминоти |          | умумтаълим мактаблари |          |                                    | мактабгача таълим ташкилотлари |          | спорт объектлари |          | бошқалар    |          |             |          |
|     |                              |                              |                |          | объект сони                      | қий-мати | объект сони         | қий-мати | объект сони         | қий-мати | объект сони   | қий-мати | объект сони           | қий-мати |                                    | объект сони                    | қий-мати | объект сони      | қий-мати | объект сони | қий-мати | объект сони | қий-мати |
|     | Жами                         | 5 284                        | 6 007          | 7 046,8  | 2 602                            | 3 828,1  | 1 848               | 2 282,1  | 91                  | 122,5    | 498           | 120,9    | 72                    | 49,2     | 53                                 | 33,0                           | 33       | 24,6             | 74       | 37,0        | 736      | 549,4       | 2 700,0  |
| 1   | Қорақалпоғистон Республикаси | 252                          | 259            | 293,7    | 116                              | 150,5    | 60                  | 99,9     | 1                   | 0,5      | 13            | 3,0      | 9                     | 0,8      |                                    |                                |          |                  | 14       | 7,7         | 46       | 31,3        | 112,5    |
| 2   | Анджон вилояти               | 473                          | 527            | 581,1    | 173                              | 314,8    | 272                 | 250,9    | 9                   | 3,4      | 30            | 6,4      | 23                    | 1,4      | 7                                  | 2,9                            | 1        | 0,03             |          |             | 12       | 1,3         | 222,6    |
| 3   | Бухоро вилояти               | 408                          | 413            | 843,6    | 341                              | 772,0    | 21                  | 43,0     |                     |          | 8             | 1,9      |                       |          | 4                                  | 1,1                            | 1        | 0,6              | 2        | 6,6         | 36       | 18,3        | 323,2    |
| 4   | Жиззах вилояти               | 159                          | 184            | 453,0    | 57                               | 175,4    | 78                  | 163,2    | 3                   | 6,3      | 8             | 1,9      | 6                     | 21,7     | 2                                  | 1,2                            | 1        | 0,3              |          |             | 29       | 83,1        | 173,6    |
| 5   | Қашқадарё вилояти            | 511                          | 621            | 528,6    | 301                              | 313,7    | 148                 | 140,2    | 3                   | 1,0      | 48            | 12,4     | 8                     | 0,9      | 9                                  | 2,3                            | 3        | 4,2              | 2        | 3,0         | 99       | 50,9        | 202,6    |
| 6   | Навоий вилояти               | 211                          | 295            | 397,7    | 127                              | 197,6    | 70                  | 148,6    |                     |          | 10            | 3,2      |                       |          | 4                                  | 0,5                            |          |                  | 13       | 1,4         | 71       | 46,4        | 152,4    |
| 7   | Наманган вилояти             | 328                          | 377            | 477,8    | 94                               | 208,6    | 134                 | 196,0    | 9                   | 18,3     | 52            | 8,9      |                       |          | 3                                  | 1,4                            | 2        | 3,4              | 6        | 3,2         | 77       | 38,2        | 183,1    |
| 8   | Самарқанд вилояти            | 585                          | 588            | 394,9    | 296                              | 251,8    | 178                 | 105,8    | 11                  | 6,3      | 51            | 10,1     | 5                     | 0,6      |                                    |                                | 5        | 3,8              | 13       | 4,8         | 29       | 11,8        | 151,3    |
| 9   | Сурхондарё вилояти           | 438                          | 532            | 423,2    | 207                              | 234,7    | 194                 | 133,6    | 2                   | 3,2      | 58            | 14,8     | 8                     | 3,0      | 8                                  | 7,7                            | 6        | 1,7              | 2        | 0,8         | 47       | 23,9        | 162,2    |
| 10  | Сирдарё вилояти              | 122                          | 158            | 137,1    | 41                               | 52,5     | 49                  | 52,1     | 8                   | 3,1      | 21            | 5,6      | 7                     | 6,7      |                                    |                                |          |                  | 3        | 0,7         | 29       | 16,5        | 52,5     |
| 11  | Тошкент вилояти              | 712                          | 964            | 1 057,1  | 329                              | 397,4    | 376                 | 507,3    | 13                  | 25,2     | 88            | 25,1     | 2                     | 0,3      | 5                                  | 2,4                            | 9        | 7,2              | 12       | 4,1         | 130      | 88,2        | 405,0    |
| 12  | Фарғона вилояти              | 716                          | 719            | 1 107,8  | 371                              | 595,5    | 214                 | 390,9    | 21                  | 39,5     | 47            | 13,9     | 1                     | 4,8      | 8                                  | 11,1                           | 4        | 2,5              | 3        | 1,1         | 50       | 48,5        | 424,5    |
| 13  | Хоразм вилояти               | 302                          | 303            | 189,5    | 133                              | 114,7    | 49                  | 34,5     | 4                   | 6,2      | 59            | 10,7     |                       |          | 2                                  | 0,9                            |          |                  |          |             | 56       | 22,5        | 72,6     |
| 14  | Тошкент шаҳри                | 67                           | 67             | 161,5    | 16                               | 49,1     | 5                   | 16,1     | 7                   | 9,6      | 5             | 3,0      | 3                     | 9,0      | 1                                  | 1,5                            | 1        | 0,9              | 4        | 3,7         | 25       | 68,5        | 61,9     |

\*) ушбу йиғма параметрлар объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.

**2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш  
бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш юзасидан  
республика ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

|                        |                                                                                                    |
|------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| А.Раматов              | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, <b>Республика ишчи гуруҳи раҳбари</b> |
| <i>Лавозими бўйича</i> | – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари        |
| Э.Юлдашев              | – Бош прокурор ўринбосари                                                                          |
| Ў.Жуманов              | – Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари                                                                  |
| Т.Ишметов              | – молия вазири                                                                                     |
| Б.Закиров              | – қурилиш вазири                                                                                   |
| Ш.Хидоятлов            | – уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири                                                           |
| Б.Саидов               | – халқ таълими вазири                                                                              |
| А.Шин                  | – мактабгача таълим вазири                                                                         |
